

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

437 «Аукцион ва танлов савдоларида сотилган иқтисодий ночор корхоналар бўйича тижорат банклари томонидан инвестиция мажбуриятларини бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2181-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5016-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 апрелдаги ПФ–5022-сон «Иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш ҳамда тижорат банкларининг кўчмас мулк объектлари негизда янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2010 йил 31 декабрдаги 6, 42/2, 1-сон «Аукцион ва танлов савдоларида сотилган иқтисодий ночор корхоналар бўйича тижорат банклари томонидан инвестиция мажбуриятларини бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2181, 2011 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1-2-сон, 18-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2017 йил 1 июлдан кучга киради.

**Хусусийлаштирилган корхоналарга
қўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси**

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 20 май,
01/22-26/08-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 20 май,
10/1-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2017 йил 20 май,
132-сон

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмакла-
шиш ва рақобатни ривожлантириш давлат
кўмитаси, Марказий банки Бошқаруви ва
Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил
20 майдаги 01/22-26/08, 10/1,
132-сон қарорига
ИЛОВА

**«Аукцион ва танлов савдоларида сотилган иқтисодий
ночор корхоналар бўйича тижорат банклари томонидан
инвестиция мажбуриятларини бажарилиши юзасидан
мониторинг юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш
ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Номи ва 1-банддаги «Аукцион ва танлов» деган сўзлар «Танлов» де-
ган сўз билан алмаштирилсин.

2. Муқаддимадан «(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпла-
ми, 2008 й., 49-сон, 479-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. Низомда:

а) номи, 1, 2 ва 3-иловаларнинг илова белгисидаги «Аукцион ва тан-
лов» деган сўзлар «Танлов» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил
19 ноябрдаги Ф–4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банк-
ларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ тан-
лов савдоларида сотилган иқтисодий ночор корхоналар бўйича тижорат
банклари томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши
юзасидан мониторинг олиб боришни тартибга солиди.»;

в) 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «корхоналар мол-мулкани» деган сўзлар «корхо-
наларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш,
монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусий-
лаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирил-
син;

бешинчи хатбошидан «аукцион ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — сак-
кизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.